

Закот берувчида бўлиши лозим шартлар



10:29 / 25.03.2025 1792

1. Муслмон бўлиш.
2. Балоғатга етган бўлиш.
3. Оқил бўлиш.
4. Ҳур бўлиш.

1. Муслмон бўлиш. Муслмон бўлмаган одамга закот фарз бўлмайди. Муслмон бўлмаган одамдан закот олинмаслиги закот исломий ибодат бўлганидандир. Худди намоз ўқиш ва рўза тутиш муслмон бўлмаган одамдан талаб қилинмаганидек, ундан закот бериш ҳам талаб қилинмайди.

Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қалам уч тоифадан кўтарилган: уйқудагидан, уйғонгунича; эҳтилом ёшига етгунича ёш боладан; ақли киргунича мажнундан»**, дедилар».

Абу Довуд, Насоий, Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилган.

4. *Хур бўлиш.* Қул, мукотаб (озод бўлиш учун тўлов тўлашга хожаси билан шартнома тузган қул), мудаббар (хожаси «мен ўлгандан кейин озодсан» деган қул) ва умму валадларга (хожасидан бола кўрган чўриларга) моли бўлса ҳам, закот фарз бўлмайди, чунки уларнинг ўзи бировнинг мулкидир. Шунинг учун уларнинг мулкка эгалиги тўлиқ эмас.

«Мўминнинг нажоти» - муфассал закот китобидан